

2020

THE MANUSCRIPT COPIES OF THE WORK "AT-TAISIR FI ILMIT-TAFSIR" IN THE "SULEYMANIYE" MANUSCRIPT FUND OF TURKEY

Abdushukurjon Muratov

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTA, a.murotov@iiu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Islamic Studies Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Muratov, Abdushukurjon (2020) "THE MANUSCRIPT COPIES OF THE WORK "AT-TAISIR FI ILMIT-TAFSIR" IN THE "SULEYMANIYE" MANUSCRIPT FUND OF TURKEY," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 8. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss1/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Abdushukurjon MURATOV,
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,*
*researcher of the isesco department on islamic
studies and the study of islamic civilization.*
a.murotov@iiau.uz

**АБУ ҲАФС НАСАФИЙ “АТ-ТАЙСИР
ФИ ИЛМИТ-ТАФСИР” АСАРИНИ
ТУРКИЯНИНГ “СУЛАЙМОНИЯ”
ФОНДИДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ**

**О РУКОПИСНЫХ ЭКЗЕМПЛЯРАХ
ПРОИЗВЕДЕНИЯ “АТ-ТАЙСИР ФИ
ИЛМИ-Т-ТАФСИР” ИЗ ФОНДА
РУКОПИСЕЙ «СУЛЕЙМАНИЯ» ТУРЦИИ**

**THE MANUSCRIPT COPIES OF THE
WORK «AT-TAISIR FI ILMIT-TAFSIR»
IN THE «SULEYMANIYE» MANUSCRIPT
FUND OF TURKEY**

Калит сўзлар: *Абу Ҳафс Умар Насафий, тафсир,
Ат-тайсир фи илмит-тафсир, оят, имон, ҳадис,
замонасининг олими, усул, услуб.*

Ключевые слова: *Абу Хафс Умар Насафи, тафсир,
ат-тайсир фи илми-т-тафсир, аят, вера, хадис, ученый,
метод, стиль.*

Keywords: *Abu Hafis Umar Nasafi, tafsir, at-Taysir fit
ilmi-t-tafsir, verse, faith, hadith, scholar, period, method,
style.*

Ўзбекистон қадимдан дунёга илм-маърифат ва маънавият зиёсини улашган минтақалардан бири ҳисобланади. Жумладан, унинг шонли тарихи ва мамлакат қўлёзма фондларида сақланаётган юз минглаб асарлар бир томондан аждодларимизнинг нақадар илм-маърифатга катта аҳамият қаратганларидан далолат қилса, иккинчи жиҳатдан ушбу минтақадан олимларнинг қўплаб етишиб чиққанлигига гувоҳлик беради. Олимларнинг илм йўлида излашнишлари ва бутун дунёга илм зиёсини тарқатиш умидида чеккан заҳматлари тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирди. Шундай олимлардан Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Лукмон Ҳанафий (467-537/1074-1142 йй.) бўлиб, у Насаф шаҳридан етишиб чиққан ислом оламидаги машхур олимлардан бири ҳисобланади.

Умар Насафий дастлабки таълимни ўз юртида олгач, Бағдод ва Басра каби ўз даврининг таълим марказларига илм ўрганиш мақсадида сафарлар

Ўзбекистон қадимдан дунёнинг илм-маърифат ва маънавият ривожланган минтақаларидан ҳисобланган. Унинг тарихи ва мамлакат қўлёзма фондларида сақланаётган юз минглаб асарлар бир томондан аждодларнинг нақадар илм-маърифатга катта аҳамият қаратганларидан далолат қилса, иккинчи жиҳатдан ушбу минтақадан олимларнинг кўплаб етишиб чиққанлигига гувоҳлик беради. Юртимиз фондларида сақланаётган қўлёзма асарларнинг катта қисми ислом илмлари, хусусан, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақида, балоғат, мантик, араб тилшунослигига оид ҳисобланади. Шундай қўлёзмалардан бири Абу Ҳафс Умар Насафий (467-537/1074-1142 йй.)нинг “Ат-тайсир фи илмит-тафсир” асаридир. Қўлёзма тафсир илмига бағишланган бўлиб, беш жилддан иборат. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида ушбу асарнинг еттита қўлёзма нусхаси сақланади. Ушбу манбалар илмий нуктаи назардан таҳлил қилиб чиқилганда, улар тўлиқ ҳолатда бизгача етиб келмагани аниқланди. “Ат-тайсир фи илмит-тафсир” асарининг қўлёзма нусхалари нафақат юртимизда, балки дунёнинг кўплаб фондларида сақланади. Жумладан, Туркиянинг қўлёзмалар сақланадиган фондларида биз сўз юритаётган асарнинг етмиш иккита нусхаси бўлиб, улар бошқа жойдаги нусхалардан анчагина яхши ҳолатда сақланган. Қуйида Туркиянинг “Сулаймония” қўлёзма фондида сақланаётган “Ат-тайсир фи илмит-тафсир” асарининг қўлёзма нусхалари ҳақида сўз юритилади.

С древних времен Узбекистан был одним из центров исламской цивилизации. Его многовековая история и сотни тысяч научных работ, хранящихся в рукописных фондах страны, с одной стороны показывают, что на протяжении многих лет особое внимание уделялось развитию науки и культуры страны, а с другой стороны убедительно подтверждают тот факт, что Узбекистан является родиной многих знаменитых ученых. Большинство рукописей в фондах нашей страны относятся к таким разделам исламских наук, как наука тафсира, хадисоведение, исламское право, богословие, логика и арабская лингвистика. Одной из таких рукописей является труд «Ат-тайсир фи илми-т-тафсир» знаменитого ученого Абу Хафса Умара Насафи (467-537 / 1074-1142). Рукопись посвящена науке тафсира и состоит из пяти томов. В фонде Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан хранятся семь рукописных экземпляров данной работы. При детальном анализе всех этих источников становится ясно, что рукопись дошла до нас не в полном виде. Рукописные экземпляры «Ат-тайсир фи илми-т-тафсир» хранятся не только в нашей стране, но и во многих фондах мира. В частности, в турецких рукописных фондах хранятся около семидесяти двух экземпляров данной работы. В данной статье речь пойдет об экземплярах труда Умара Насафи «Ат-Тайсир фил илми-т-тафсир», хранящейся в библиотеке «Сулеймания» в Турции.

Since ancient times, Uzbekistan has been a region of the world with a piece of advanced knowledge and enlightenment. Firstly, Its history and the one hundred thousand of works preserved in the manuscript funds of the country prove that has a keen interest in science by our ancestors. On the other hand, it shows many scientists brought up in this area. Most of the manuscripts in the funds of our country are devoted to Islamic sciences such as Commentary of Quran, hadith, Islamic jurisprudence, doctrine, Eloquence, logic and Arabic linguistics. One of such manuscripts is the work of “At-taysir fi ilmi-t-tafsir” by Abu Hafs Umar Nasafi (467-537 / 1074-1142). The manuscript is devoted to the science of interpretation and consists of five volumes. There are seven manuscript copies of this work are saved in the fund of the Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies under the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. These sources were not fully available from the point of scientific analysis. Manuscript copies of “At-taysir fi ilmi-t-tafsir” are kept not only in our country but also in many funds around the world. In particular, there are nearly seventy-two copies of the work that we mentioned here that is in Turkish manuscript funds, which are much better than other copies. In the following, it refers to the manuscript copies of “At-taysir fi ilm-it-tafsir, which are in the Turkish Suleimania Manuscript Fund.

қилди. Ушбу сафар давомида Абулюср Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавий Насафий, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад Самарқандий, Али ибн Ҳасан Мотуридий, Ҳусайн Кошғарий, Абул Қосим ибн Баё каби олимлардан таҳсил олган.

Абу Ҳафс Насафий машҳур олимлар даврасида таҳсилни давом эттириб, тез фурсатда калом, ҳадис, фикҳ каби илмларни мукамал эгаллаган.

Умар Насафий кўплаб устозлардан дарс олиш билан бир қаторда ислом оламида машҳур бўлган кўплаб шогирдлар етиштирган. Жумладан, Муҳаммад ибн Иброҳим Нурпуштий, “ал-мажд” (улуғ) лақабига сазавор бўлган Насафийнинг ўз фарзанди Абу-л-Лайс Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Насафий (тав. 506/1112 й.) (*Laknaviy A., 1906:285*), Бурҳониддин Марғиноний, Умар ибн Муҳаммад Уқайлий (*Qurashiy A., 1993:328*), “Зоҳир” исми би-

лан танилган Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Али ибн Абдулазиз Балхий (ваф. 553/1158 й.), Муҳаммад ибн Абдулжалил ибн Абдулмалик ибн Али ибн Ҳайдар Самарқандий, Мусо ибн Абдуллоҳ Афғматий хижрий 516, милодий 1122 йили Самарқандга келиб, Насафийдан кўп ҳадисларни ёзиб олган ва Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Муҳаммад Бурҳонуддин Косонийлар шулар жумласидан (*Samoniy A., 1962:486*).

Манбаларда маълумот берилишича, у фикҳ, тафсир, ҳадис, адабиёт, тилшунослик ва тарих соҳаларида олим бўлган 550 та шайхдан ҳадис ривоят қилган.

Манбаларга кўра, Умар Насафий ислом илмларига оид юзга яқин китоблар ёзган. Жумладан, олимнинг “ат-Тайсир фи илмит-тафсир” (Тафсир илмидаги маълумотларни енгиллаштириш) номли асари тафсир илмига бағишланган бўлиб, уни Умар

Насафий умрининг охирида ҳижрий 537, милодий 1142 йили Самарқанд шаҳрида ёзиб тугатган. Муаллиф ушбу асарини битишда араб ва форс тилларидан фойдаланган. Ушбу китоб ҳанафий мазҳабидаги эътиборли манбалардан ҳисобланса-да, бугунги кунгача манбашунослик нуқтаи назаридан тўлиқ танқидий матн ҳолда нашр этилмаган. Туркиянинг “Сулаймония” қўлёзмалар фондида ислом маданияти ва илм фанларига доир жуда кўплаб бебаҳо асарлар бор. Ушбу асарларнинг аксар қисми юртимиздан етишиб чиққан олимларнинг қаламига мансуб. Қуйида Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи илмит-тафсир” асарининг Туркиянинг “Сулаймония” кутубхонаси фондида сақланаётган нусхалари ҳақида сўз юритилади.

Сулаймонийя кутубхонаси қошидаги Мадраса Мусалла фондида сақланаётган №10 рақам остидаги нусха. Ушбу қўлёзма Али Соати томонидан вақф қилиниб, 1081 йилда кўчирилган. Манба форс тилида ёзилган бўлиб, 317 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 26 қатордан матн жойлаштирилган. (*Nasafiy U., №10*).

Маҳмуд Пошшо бўлимида №57-58 рақами остида сақланаётган нусха. Қўлёзманинг ичи нақшли, муқоваси жигарранг, яхши ҳолатда сақланган. Қўлёзманинг ҳажми 529 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 27 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзма ўрта қалинликда, сомон рангли қоғозга таълиқ хатида ёзилган. Оятлар қора ранг билан алоҳида ажратиб кўрсатилиб, саҳифа четларига сура ҳақидаги уламоларнинг изоҳлари берилган. Қўлёзма “Фотиҳа” сураси билан бошланиб, “Худ” сурасининг охиригача давом этган.

2-жилд эса қоғози, ёзуви ва ички тузилишлари бўйича биринчи жилд билан бир хил. У “Юсуф” сураси билан бошланиб, “Нас” сураси билан тугаган. Бу нусха ҳижрий 823, милодий 1453-йилда Абдулҳақ ибн Баҳоуддин томонидан кўчиртилган (*Nasafiy U., №57-58*).

Сулаймония фондида №93 рақами остида сақланаётган яна бир нусха. Бу нусха араб хатининг насх ёзувида ёзилган бўлиб. Ҳар бир саҳифага 31 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 517 варақдан иборат. Ички тузилиши оҳорли, сомон рангли, флигрансиз ингичка қоғозга ёзилган. Саҳифаларнинг чети оч жигарранг, ўртаси тўқ жигарранг, муқоваси эса теридан ишланган. Сарлавҳалар алоҳида шаклда кўрсатилиб, сура номлари тилло суви билан ёзилган. Биринчи саҳифанинг ўртаси думалок, четлари кўшбоғ шаклида берилган. Доира шаклнинг ичида асар ва муаллифнинг исми ёзилган. Қўлёзма нусха ҳижрий 523, милодий 1129-йилда ёзилган бўлиб, ким томонидан кўчирилгани ҳақида маълумотлар келмаган (*Xumayro O., 1995*).

Файзуллоҳ Афанди номли Миллат кутубхонасида №88 рақам остида сақланаётган қўлёзма бўлиб, асар (бисмиллаҳир роҳманир роҳийм робби саҳҳил ва таммим алҳамдулилаҳил лазий анзалал куръан шифаан... қола ал абд Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан Насафий) сўзлари билан бошланган. Бу нусха “Фотиҳа” сурасидан бошланиб, “Нас” сурасининг тафсири билан ниҳояланган. Қўлёзманинг ҳажми 408 бетдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 45 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзма нусханинг тузилиши ўрта қалинликда, оҳорли қоғозга таълиқ хатида ёзилган. Охирги варақлари таъмир қилинган. Саҳифа четларида изоҳлар мавжуд. Усти бинафша рангли, қабартма нақшли, муқоваси тўқ жигарранг теридан ишланган. Қўлёзманинг биринчи саҳифасида суралар мундарижаси берилган бўлиб, оятлар қизил сиёҳ билан матндан ажратиб кўрсатилган. Бундан ташқари, бу варақда Шайхул-ислом Файзуллоҳ Афандининг вақф муҳри мавжуд. Қўлёзма ҳижрий 860-йилда кўчирилган. Бу нусха “Нас” сурасининг тафсиридан сўнг муаллифнинг ҳамду саноси билан якунланган (*Nasafiy U., №88*).

Мурод Мулла кутубхонасида №78-79 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусха бўлиб, биринчи жилд (бисмиллаҳир роҳманир роҳийм робби саҳҳил ва таммим алҳамдулилаҳил лазий анзалал куръан шифаан... қола ал абд Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан Насафий... шифаан ва роҳматан) сўзлари билан бошланган. Қўлёзма “Фотиҳа” сураси билан бошланиб, “Аъроф” сурасининг охирги ояти билан тугаган. Ҳар бир саҳифага 31 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 287 варақдан иборат. Унинг ички тузилиши сомон рангли, қалин қоғозга насх хати билан ёзилган, қабартма нақшли, усти тўқ қизил рангли теридан ишланган. Оятлар қизил сиёҳ билан алоҳида ажратиб кўрсатилган. Саҳифа четларига оятларнинг изоҳи берилган (*Nasafiy U., №78-79*).

2-жилди эса “Нух” сурасидан бошланиб, “Нас” сураси билан ниҳояланган. Ҳар бир саҳифага 37 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 210 варақдан иборат. Асар нўхат рангли, қалин қоғозга насх хатида ёзилган. Саҳифа четида оятларнинг изоҳлари берилган.

Ҳар икки жилднинг охирида вазир Мурод Мулланинг вақф муҳри мавжуд. Биринчи жилддан фарқли ўларок, иккинчи жилд ҳижрий 865, милодий 1461-йилда Муҳаммад Абу Сууд ибн ал Марҳун Бадриддин Ҳасан ал-Банровий томонидан кўчирилган.

Навбатдаги нусха Отиф Афанди кутубхонасида №156-159 рақами остида сақланаётган қўлёзма нусха бўлиб, у 4 жилддан иборат. Қўлёзманинг

ҳажми умумий 572 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 25 қатордан матн жойлаштирилган. Оятлар ҳаракатли бўлиб, саҳифа четларида деярли шарҳлар учрамайди. Биринчи жилд “Фотиҳа” сурасидан бошланиб, “Анъом” сурасигача давом этади.

Иккинчи жилд ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир саҳифада 25 қатордан иборат. Асарнинг умумий ҳажми 286 варақдан ташкил топган. Ёзув услуби ва ички тузилиши жиҳатидан биринчи жилдга ўхшаш. Қўлёзма “Иброҳим” сурасининг тафсири билан яқунланган.

Учинчи жилд ҳам аввалги икки жилд каби яхши ҳолатда сақланган. Асарнинг ҳажми 292 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 25 қатордан жойлаштирилган. Ушбу қўлёзманинг ички тузилиши биринчи жилд билан бир хил. Қўлёзма “Ҳаж” сураси билан ниҳояланган.

Тўртинчи жилднинг умумий ҳажми 385 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 25 қатордан матн жойлаштирилган. Ёзув услуби ҳамда ички тузилиши эътиборидан бошқа жилдларга ўхшаш. Қўлёзма “Сабаъ” сурасидан бошланиб, “Нас” сураси билан ниҳояланган. Асар ҳижрий 874, милодий 1469-йилда кўчирилган. Бундан ташқари ҳар бир жилднинг бошида китобнинг номи, қайси жилд эканлиги, муаллифнинг исми ҳақида маълумот келтирилган. Асарнинг бош қисмида таълиқ ёзувида қизил рангда Отиф Афандининг вақф муҳри кўрсатилган (*Nasafiy U., №156-159*).

Валиюддин Жаруллоҳ Афанди бўлимида №140 рақам остида сақланаётган нусха. Қўлёзманинг умумий ҳажми 513 варақдан иборат бўлиб ҳар бир саҳифага 39 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзманинг ички тузилши нақшли, қўшбоғли, оҳорли ва ингичка таълиқ ёзувида ёзилган бўлиб, оятлар қизил сиёҳда, сура номлари ва басмала тилло рангда алоҳида ажратиб берилган. Саҳифаларнинг четига шарҳ ва изоҳлар берилган. Асар ҳижрий 875, милодий 1470-йилда Муҳаммад Абус Сууд ибн Ҳарб Али томонидан кўчирилгани қайд этилган. Асар “Нас” сурасининг тафсири билан тугалланган (*Xitayro O., 1995*).

Истанбул университети кутубхонасида №А/3198 рақами остида сақланаётган нусха. Қўлёзманинг ҳозирги кунда сақланиб қолган умумий ҳажми 653 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 39 қатордан матн жойлаштирилган. Нақшли, саҳифа четлари безакли бўлиб, усти тўқ қизил рангли теридан ишланган. Ўқишга қулай ингичка насх ёзувида ёзилган. Оят бошларидаги (қовлуҳу таъала) калималари қизил ранг билан ажратилган. Сарлавҳалар алоҳида шакл ичида берилиб, бош қисмида қўлёзманинг номи ва муаллифнинг исми ёзилган. Қўлёзманинг биринчи саҳифасида суралар мундари-

жаси ва ундан кейинги саҳифаларида оятларнинг изоҳлари берилган. “Фотиҳа” сураси билан бошланиб, “Нас” сураси билан тугалланган. Бу нусха ҳижрий 887, милодий 1482-йилда Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Бакр ал-Балбасий томонидан кўчирилган. “Нас” сурасининг тафсиридан сўнг, муаллифнинг асарни қачон ёзиб тугатгани келтирилган. I варақда Аҳмад, бошқасида Муҳаммад Баҳрий исмлари жойлашган думалоқ шаклдаги икки муҳр мавжуд. Бундан ташқари, асар Истанбул университети кутубхонасига олиб келинишидан олдин Холлис Афанди фондида бўлганлигини билдирувчи муҳр ҳам мавжуд (*Nasafiy U., №А/3198*).

Ҳазрати Холид бўлимида №10-13 рақам остида сақланаётган яна бир қўлёзма нусха бўлиб, у 4 жилддан иборат.

Биринчи жилднинг умумий ҳажми 290 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 25 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзманинг ички тузилиши ўрта қалинликда, оҳорли, тўқ сомон рангли қоғозга насх хатида ёзилган. Қўлёзманинг биринчи варағи тушиб қолган, иккинчи саҳифаси “заликал китаб” дея “Бақара” сурасининг тафсири билан бошланиб, “Оли Имрон” сурасининг тафсири ила яқунланган.

Иккинчи жилд эса “Нисо” сурасидан бошланиб, “Юнус” сураси билан яқунланган. Қўлёзманинг ҳажми умумий 324 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифада 25, баъзи бетларида 27 қатордан матн жойлаштирилган. Муқовасининг шакли ва қоғоз тури борасида биринчи жилд билан бир хилдир. Ушбу жилд ҳижрий 904, милодий 1498 йилда Муҳаммад ибн Абдулазиз томонидан кўчирилгани қўлёзманинг охири саҳифасида қайд этилган.

Қўлёзманинг учинчи жилд ҳам аввалги икки нусхалар каби бир хил бўлиб, фақатгина ёзув ва саҳифа четларида изоҳларнинг берилиши эътиборидан биров фарқ қилади. Ички тузилиши муқоваси қалин, сомон рангли қоғоз, четлари нақшли қилиб ишланган. Қўлёзманинг ҳозирги кунгача сақланиб қолган ҳажми 338 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 27 қатордан матн жойлаштирилган. Бу жилд “Худ” сурасидан бошланиб, “Анкабут” сурасининг охири билан яқунланган.

Тўртинчи жилд усти ва ички тузилиши эътиборидан аввалги жилдлардан тубдан фарқ қилади. Асосан фарқли жиҳатлари саҳифаларнинг жуда ҳам безакли ва нақшли шаклда ишлангани ҳамда қоғоз турининг ниҳоятда яхши танланганлиги билан ажралиб туради. Қўлёзманинг умумий ҳажми 354 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 27 қатордан матн жойлаштирилган. Ушбу нусха “Аҳзоб” сурасидан бошланиб, “Нас” сурасининг охирига қадар давом этган. Бош саҳифасида суралар мундарижаси қора рангда берилган. Қўлёзма аввало,

Айюб Жоме кутубхонасида сақланиб, сўнгра Айюб Ҳусрав Подшоҳ кутубхонасининг Ҳазрати Холид бўлимига кўчирилган. Ушбу қўлёзма асар ҳижрий 906, милодий 1500-йилда Муҳаммад ибн Абдулазиз томонидан кўчирилган (*Xumayro O., 1995*).

№ 96-97 рақам остида Аясофия булимида сақланаётган нусха. Ушбу нусха 2 жилддан иборат бўлиб, ингичка таълиқ хатида ёзилган. Қўлёзманинг ҳозирда сақланиб қолган ҳажми 396 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 31 қатордан матн жойлаштирилган. Биринчи жилд “Фотиҳа” сурасидан бошланиб, “Юсуф” сурасининг охирига қадар давом этади. Қўлёзманинг ички тузилиши оҳорли, ўрта қалинликда, оч сариқ рангли қоғозга ёзилган, Бўртиб чизилган нақшли ва саҳифалар орасида кичик муқовалари бор. Сарлавҳа ва оятлар қизил сиёҳда алоҳида шаклда ёзилган. Биринчи жилднинг аввалги варағида Султон Маҳмуднинг, кейин Шаҳзода Аҳмад вақфига тегишли икки муҳр мавжуд.

Иккинчи жилднинг ёзуви, қоғоз ва муқова кўриниши бошқа нусхалар билан ўхшаш. Қўлёзма “Худ” сурасидан бошланиб, “Нас” сурасининг охирига қадар давом этган. Қўлёзма ҳижрий 973, милодий 1565-йилда ёзилган бўлиб, ким томонидан кўчирилгани маълум эмас (*Nasafiy U., №96-97*).

Раисул-Куттаб Мустафо афанди бўлимида №41-42 рақам остида сақланаётган нусха. Қўлёзманинг ҳажми 592 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 29 қатордан матн жойлаштирилган. Саҳифаларнинг четлари нақшли шаклда ишланган бўлиб, баъзи варақларда оятларнинг қўшимча изоҳлари берилган. Қўлёзма сомон рангли, қалин қоғозга насх хатида ёзилган. Муқоваси жигарранг теридан ишланган бўлиб, оятлар усти қизил ранг билан алоҳида берилган. Қўлёзма ҳижрий 1156, милодий 1743-йилда Аҳмад ибн Ражаб ибн Маҳмуд ибн Хусомиддин ан-Нақшбандий томонидан кўчирилган.

Иккинчи жилд “Юсуф” сурасининг тафсири билан бошланиб, “Нас” сураси ила яқунланган. Қўлёзманинг сақланиб қолган ҳажми 619 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 29 қатордан матн жойлаштирилган. Ушбу нусха ҳам қоғоз тури ва ички тузилиши борасида биринчи жилд билан бир хил бўлиб, ичи безакли, ўйма нақшли, усти тўқ қизил рангли теридан ишланган.

Биринчи саҳифасида Раисул-Куттаб Мустафо Афандининг тўрт бурчак шаклида вақф муҳри бўлиб, ушбу муҳр қўлёзманинг бошқа саҳифаларида ҳам учрайди. Ушбу жилд муаллифнинг китоб ёзиб тугатган санаси ва ойини зикр қилиш ҳамда Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиш билан яқунланади. Бу жилд ҳам Аҳмад ибн Ражаб ибн Маҳмуд Ҳусо-

миддин ан-Нақшбандий томонидан ҳижрий 1159, милодий 1746-йилда кўчирилган. Икки жилддан иборат ушбу нусха тафсир илмида фойдаланиш учун жуда ҳам фойдали. Тадқиқотчи олимлар ҳам ушбу нусха бошқа нусхаларга қараганда, яхши ҳолатда сақлангани ва хатолари камлиги билан бошқа қўлёзмалардан фарқ қилишини таъкидлаганлар (*Nasafiy U., №41-42*).

Ҳамидия бўлимида №63 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусха. Қўлёзманинг ҳажми 567 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 45 қатордан матн жойлаштирилган. Саҳифалар орасида кичик муқова қўйилган, оҳорли, юпқа қоғозга насх хати билан ёзилган. Оятлар усти қизил ранг билан ажратилган. Ҳижрий 1167, милодий 1754-йилда Ҳалил ибн Юсуф томонидан кўчирилган. Қўлёзма сўнгида “Нас” сурасининг тафсири келтирилиб, ундан кейин муаллиф асарни қачон ва қайси ойда ёзиб тугатганлиги ҳақида маълумот келтирган (*Nasafiy U., №156-159*).

Ҳамидия бўлимида №64 рақам остида сақланаётган нусха. Қўлёзма асар бир жилддан иборат. Қўлёзманинг ҳозирги кунда сақланиб қолган ҳажми 944 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 37 қатордан матн жойлаш-тирилган. Унинг ички тузилиши сомон рангли, саҳифа учлари олтин суви билан безатилган, ингичка қоғозга, ўқишга қулай шаклда насх ёзувида ёзилган. Қўлёзма манбанинг усти яшил, муқоваси теридан ишланган. Биринчи варақда Султон Абдулҳамид II нинг вақф муҳри ва Али Баҳчат Афандига оид вақф белгиси бор. Асар ҳижрий 1169, милодий 1746-йилда Аҳмад ибн Ҳасан ан-Нақшбандий томонидан кўчирилган. “Фотиҳа” сураси билан бошланиб, “Нас” сураси сўнгра муаллифнинг асарни қайси куни ёзиб тугатганлиги ҳақидаги маълумот билан яқунланган (*Nasafiy U., №64*).

Истанбул университети кутубхонаси №А/4972 рақам остида сақланаётган нусха. Қўлёзманинг умумий ҳажми 801 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 39 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзма сомон рангли, ингичка ва чиройли насх ёзувида ёзилган. Усти олтин суви билан безатилган бўлиб, муқоваси ҳам ўйма нақшли қилиб ишланган. Матн ичидаги (қовлуху) лафзлари ва жумла охиридаги нуқталар тилло суви билан ажратилган (*Xumayro O., 1995*).

Кожа Рағиб Подшоҳ Кутубхонасида №74/99 рақами остида сақланаётган яна бир қўлёзма нусха. Қўлёзманинг бизгача етиб келган умумий ҳажми 617 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 45 қатордан матн жойлаштирилган. Илк ва сўнги саҳифаси тилло суви билан безатилган. Сура номлари қалин

ёзувда, оятлар эса қизил ранг билан ажратилган. Қўлёзма “Худ” сураси билан яқунланган (*Nasaftiy U., №74/99*).

Дамат Иброҳим Подшоҳ бўлимида №118 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусха. Қўлёзманинг умумий ҳажми 647 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 27 қатордан матн жойлаштирилган. Ички тузилиши сомон рангли, оятлари қора сиёҳ билан матндан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзманинг устки қисми оч жигарранг, тўқ қизил рангли ўйма нақшли, муқоваси ҳам ўйма нақшли теридан ишланган. Саҳифа четларида қизил чизма нақшлар бўлиб, шарҳлар ёзилмаган. “Фотиҳа” сурасидан бошланиб, “Моида” сураси билан яқунланган. Қўлёзманинг биринчи варағида Султон Аҳмад ва Дамат Иброҳим Подшоҳга оид икки муҳр бор (*Nasaftiy U., №118*).

Нурусмания кутубхонасида №254 рақам остида сақланаётган нусха. Бу нусха 644, милодий 1246 йилда Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Қошғарий томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 436 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 23 қатордан матн жойлаштирилган. Ушбу нусханинг ички тузилиши чизма нақшли, муқоваси ҳам безакли, жигарранг, насх хатида ёзилган. Саҳифанинг ён қисми ва сатр ораларида шарҳлар мавжуд. Оятлар усти қизил ранг билан ажратилган. 365 бетдан кейин сомон рангли, оҳорли, ингичга ёзувда, оятлари қизил сиёҳ билан ёзилган. Бу қисм “Исро” сурасидан бошланиб, 27 қатор ва четларида изоҳлар ҳам берилган. (*Nasaftiy U., №254*).

Сараз бўлимида №157 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусха. Қўлёзманинг умумий ҳажми 287 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 27 қатордан матн жойлаштирилган. Ички тузилиши оҳорли, сомон рангли қоғозга араб насҳида ёзилиб, ўйма нақшли, устки муқоваси тўқ қизил теридан ишланган. Қўлёзманинг қайси сурадан бошлангани қайд қилинмаган. Лекин охири “Нас” сураси билан тугаган. Ҳижрий 646-йилда Муҳаммад ибн Аҳмад Умар ибн ал-Карачук томонидан кўчирилган. Бу нусха Сараз №156 рақами остидаги нусханинг давоми сифатида кўрсатилаётган бўлса-да, шакл хусусиятлари ва кўчирилган санасининг фарқлилиги аслида асарнинг алоҳида икки нусха эканлигини билдиради. Зеро, Сараз №156 нусхаси ҳижрий 665, милодий 1267 йилда, унинг иккинчи қисми деб кўрсатилган Сараз №157 нусхаси эса ҳижрий 646, милодий 1248 йилда кўчирилган. Шу сабабли иккисини битта нусха деб айтиш илмий жиҳатдан тўғри бўлмади (*Nasaftiy U., №157*).

Сараз бўлимида №156 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусха. Қўлёзма ҳижрий 665, милодий

1267-йилда Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Абдуссамад томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 306 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 30 қатордан матн жойлаштирилган. Қаторлар сони баъзи варақларда 28 бўлса, баъзисида 30 атрофида. Ички тузилиши сомон рангли, оҳорли, муқоваси безакли шаклда жигарранг теридан ишланган. “Фотиҳа” сурасидан бошланиб, “Оли Имрон” сураси билан ниҳояланган. Саҳифа ёнларида изоҳлар бор. Ёзувлари жуда ҳам майда шаклда ёзилган (*Nasaftiy U., №156*).

Фотиҳ бўлимида №239 рақам остида сақланаётган яна бир нусха. Қўлёзма ҳижрий 696, милодий 1297-йилда Аҳмад ибн Умар ибн Абу Бақр Кирмоний томонидан кўчирилган бўлиб, “Худ” сурасидан бошланиб, “Ёсин” сураси билан ниҳояланган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 340 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 27 қатордан матн жойлаштирилган. Ички тузулиши оҳорли, тўқ сомон рангли қоғозга насх хатида ёзилган. Муқоваси безакли жигарранг теридан ишланган. (*Xumayro O., 1995*).

Тўпкапи Сарой музейи кутубхонаси Равон бўлимида №125 рақам остида сақланаётган нусха. Қўлёзма “Анъом” сурасидан бошланиб, “Каҳф” сураси билан тугаган. Қўлёзманинг сақланиб қолган қисми 261 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 23 қатордан матн жойлаштирилган. Варақлар ичи нўхат рангли, оҳорли, қалин қоғозга араб насҳида ёзилган. Саҳифа ёнларида ояти карималарнинг шарҳлари мавжуд. Ушбу нусха ҳижрий 738, милодий 1338-йилда кўчирилган. Бу жилд “Каҳф” сурасининг охириги оятининг тафсири билан ниҳояланган. Асарнинг мундарижа қисмида Султон Мустафо II га оид муҳр мавжуд (*Nasaftiy U., №125*).

Боязид давлат кутубхонасида №329 рақам остида сақланаётган нусха. Бу нусха ҳижрий 818, милодий 1415 йилда Ҳусайн ибн Муборак ибн Муҳаммад ал-Фаржоний томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг ҳажми 220 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 20 қатордан матн жойлаштирилган. Ушбу нусханинг яхши ҳолатда сақланмагани ва жуда ҳам эскирганидан унинг ичидаги муҳр белгилари ва уларда нима ёзилганини аниқлашни имкони бўлмади. Қўлёзма ўрта қалинликда, оҳорли, сомон рангли қоғозга таълиқ хатида ёзилган. Саҳифалари чизма нақшли қилиб ишланган, уст қисмига бироз нуқсон етган, Муқоваси жигарранг теридан ишланган. Оятлар усти қизил ранг билан алоҳида кўрсатилган бўлиб, саҳифалар таъмирланганига қарамай куйиш сабабли ўқиб бўлмайдиган саҳифалар ҳам мавжуд. “Фотиҳа” сурасидан бошланиб, “Бақара”

сурасининг охиригача давом этган. (*Nasafiy U., №329*).

Жоруллоҳ бўлимида №93 рақам остида сақланувчи нусха. Қўлэзма ҳижрий 743, милодий 1342 йилда ёзилган. Ҳозирги кунгача сақланиб қолган қисми 269 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 31 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлэзма “Юнус” сурасидан бошланиб, “Қасос” сураси билан тугаган. Бу нусханинг бошқа нусхалардан ажралиб турадиган услуби оятлар қора ҳарфлар билан алоҳида ажратиб берилган (*Nasafiy U., №28*).

Жоруллоҳ Али Пошшо бўлимида №28 рақам остида сақланаётган нусха. Қўлэзманинг ҳажми 266 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 21 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлэзма “Худ” сурасидан бошланиб, “Сажда” сураси билан ниҳояланган (*Nasafiy U., №27*).

Денизли бўлимида №27 рақам остида сақланаётган нусха. Ушбу нусха 1153 йил Аҳмад исмли киши томонидан кўчирилгани муҳр белгида кўрсатилган. Қўлэзманинг умумий ҳажми 36 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 31 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлэзма “ар-Раҳмон” сурасидан бошланиб, “Мудассир” сураси билан ниҳояланган. Ушбу қўлэзманинг бошқаларидан ажратиб турадиган хусусияти унинг бошида муаллифнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил маълумот берилган. Ушбу нусханинг аксар қисмига шикаст етган. Мисол учун 8, 15, 49, 37 бетлари ва бундан бошқа бир неча варақлар тушиб қолган (*Xumayro O., 1995*).

Ҳамидия бўлимида №63 рақам остида сақланаётган нусха. Қўлэзманинг ёзилган йили 1167 йил бўлиб, кўчирувчиси ҳақида маълумот йўқ. Ҳозирги кунда қўлэзманинг ҳажми 567 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 45 қатордан матн жойлаштирилган. Ушбу нусха “Фотиҳа” сурасидан бошланиб, “Нас” сураси билан ниҳояланган. Қўлэзманинг устки қисми жуда ҳам нақшли ва бежирим шаклда ишланган бўлиб, араб хатининг насх услубида ёзилган. Нусханинг бош қисмида Абдулхамид ибн Маҳмудхон ҳақида мақтов сўзлари келтирилган. Бундан ташқари қўлэзманинг 3 бетида тўла шаклдаги фикрист берилган (*Nasafiy U., №144*).

Лалели бўлимида №144 рақам остида сақланаётган яна бир нусха. Ушбу нусханинг ҳозирги кунда сақланиб қолган умумий ҳажми 347 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифага 33 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлэзма “Фотиҳа” сурасидан бошланиб, “Қаҳф” сураси билан тугаган. Қўлэзманинг оятлари қизил рангда, саҳифанинг четларида оятларнинг луғавий маъноси ва бошқа суралардан мисоллар келтирилган. Бошқа нусхалардан фарқли равишда асосий матнга шикаст етмаган ва яхши

ҳолатда сақланган. Баъзи саҳифаларда думалок шаклдаги белгилар бўлиб, уларнинг ичидаги ёзувларига шикаст етгани сабабли уларни ўқиш имкони йўқ (*Xumayro O., 1995*).

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, “Ат-Тайсир фи илмит-тафсир” номли асарни Туркиянинг “Сулаймония” фондида бундан бошқа қўлэзма нусхалари ҳам бор. Бироқ уларнинг барчаси ҳам матни тўлиқ ҳолда сақланиб қолмаган. Лекин, шунга қарамадан нусхаларнинг мавжуд қисмларини ва дунё фондларида мавжуд тўлиқ матнли қўлэзма нусхаларини манбашунослик нуқтаи назардан ўзаро қиёсий таҳлил қилиб, уни яхлит ҳолда нашр этиш мумкин. Зеро, ушбу асар тафсир илми, хусусан, ҳанафий мазхаби фикҳи ва Мотуридий ақидаси талимоти доирасида кўп мурожаат қилинадиган муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abdullayev, Abdurashid (2019) “THE METHOD OF REPORTING IN QUR‘AN,” *The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 8*.
2. Laknaviy Abdulhay. *Al-Favoidu-l-bahiya fi tarojimi-l-hanafiya // Muhammad Badruddin. – Qohira: Doru-l-kutubi-l-islomiy. 1324/1906. – 263 b.*
3. Maxsudov, D. (2019). *THE DEVELOPMENT OF TRANSMITTED AND RATIONAL TAFSIRS. The Light of Islam, 2019(1), 9.*
4. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Sulaymoniyya kutubxonasi qoshidagi Madrasa Musalla fondi, №10. 317 v.*
5. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Sulaymoniyya kutubxonasi qoshidagi Mahmud Poshsho fondi, № 12. 514 v.*
6. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Millat kutubxonasida Fayzulloh Afandi. № 88. 408 v.*
7. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Mahmud Podsho bo‘limi. №57-58. 529 v.*
8. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Murod Mulla Kutubxonasida №78-79. 278 v, 210 v.*
9. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Otif Afandi fondi. №156-159. 1/572 v, 2/286 v, 3/292 v, 4/385 v.*
10. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Istanbul Universiteti kutubxonasi. №A/3198. 653 v.*
11. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Ayasofiya bo‘limida № 96-97 raqam. 396 v.*
12. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Raisul kuttab Mustafa afandi bo‘limida №41-42 raqam. 1/592 v. 2/619 v.*
13. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Hamidiya bo‘limida №63, 567 v.*
14. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Hamidiya bo‘limida № 64 raqam. 944 v.*
15. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. *Koja Rag‘ib Podshoh kutubxonasida №74/99. 617 v.*

16. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. Damat Ibrohim Podshoh bo‘limida №118. 647 v.
17. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. Nurismaniya kutubxonasida №254 raqam. 436 v.
18. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. Saraz bo‘limida №157 raqam. 287 v.
19. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. Saraz bo‘limida №156 raqam. 306 v.
20. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. Topkapi Saroy muzeyi kutubxonasidagi Ravon №125. 261 v.
21. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. Boyazid davlat kutubxonasida №329 raqam. 220 v.
22. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. Jorulloh Ali Poshsho bo‘limida №28 raqam. 266 v.
23. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. Denizli bo‘limida №27 raqam. 36 v.
24. Nasafiy, Najmiddin Umar. “At-Taysir fi ilmit tafsir”. Laleli bo‘limida №144 raqam ostida. 347 v.
25. Qurashiy Abdulqodir. Al-Javohir al-muziyya fi tabaqot al-hanafiya // Abdulfattoh Muhammad Hulv tahriri ostida. 5 jildli. – Qohira: Hijr, 1993. – 3326 b.
26. Xumayro Oisha. Abu Hafs Umar Nasafiyning “At-Taysir fit tafsir” tahlili nomli kitobi. Istanbul.: 1995. 974 B.
27. Xumayro Oisha. Abu Hafs Umar Nasafiyning “At-Taysir fit tafsir” tahlili nomli kitobi. Istanbul.: 1995. 974 B.
28. Xumayro Oisha. Abu Hafs Umar Nasafiyning “At-Taysir fit tafsir” tahlili nomli kitobi. Istanbul.: 1995. 974 B.
29. Xumayro Oisha. Abu Hafs Umar Nasafiyning “At-Taysir fit tafsir” tahlili nomli kitobi. Istanbul.: 1995. 974 B.
30. Xumayro Oisha. Abu Hafs Umar Nasafiyning “At-Taysir fit tafsir” tahlili nomli kitobi. Istanbul.: 1995. 974 B.
31. Xumayro Oisha. Abu Hafs Umar Nasafiyning “At-Taysir fit tafsir” tahlili nomli kitobi. Istanbul.: 1995. 974 B.

